

Конституциямиз – экология ҳуқуқининг асосий манбайи

А. Боязқулов. Қўқон Давлат

Педагогика Институтини магистранти

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги чоратadbирларнинг қонуний асосларини ривожлантириш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг ҳуқуқий меъёрларига мувофиқ ривожлантирилмоқда. Соҳага алоқадор барча қонунларнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

1992-йил 8-декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг иродасини акс эттирувчи, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқарув шакли асосларини мустаҳкамловчи, ҳокимият идоралари ва нодавлат ташкилотлари фаолиятининг ташкил этилиш тартиби ва принципларини белгиловчи асосий қонундир. Конституциямиз халқаро жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган ва умуминсоний қариятларни ифодаловчи, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини Ўзбекистонда шакллантирувчи ҳуқуқий манба сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конституция асосида қабул қилинган қонунлар миллий давлатимизда юзага келадиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий меъёр ва қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муносабатларнинг асосий меъёр ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бевосита ва билвосита тарзда ифодаланган. Бевосита тарзда ўрнатилган конституциявий нормалар унинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида баён этилган. Конституциямизнинг XII боби – “Фуқаролик бурчлари” деб номланиб, 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга

эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”;¹ деб белгиланган. Бу дегани Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс ёхуд чет эл фуқароси бўлишидан қатъий назар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланар экан, атроф-муҳит тозалигини асрашга, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлигини англатади.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танлаган Ўзбекистонда сўнгги йилларда турли мулкчилик шакллари пайдо бўлди ва ривожланиб келмоқда. Конституцияда бозор иқтисодиёти шароитида экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳам тегишли моддалари мавжуд. Жумладан, Конституциямизнинг учинчи бўлими – “Жамият ва шахс”, XII боби эса – “Жамиятнинг иқтисодий негизлари” деб номланган бўлиб, 54-моддасида “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”;² дейилган.

Конституциямизнинг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”;³ деб битилган. Ушбу модда Ўзбекистонда табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Оқилона фойдаланишни таъминлаш ва уларни табиий хосса ва хусусиятларини йўқотиб қўймаслик, келажак авлод олдидаги экологик бурчимизни бажариш нуқтайи назаридан давлат табиий заҳираларни муҳофаза қилиш функциясини ўз зиммасига олади. Конституциямизнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги яна бир аҳамиятли томони унда маҳаллий ҳокимият органлари(вилоят, туман ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. 2012. 11-бет

² Ўша китоб 12-бет

³ Ўша китоб 12-бет

шаҳар ҳокимликлари) ва Қорақалпоғистон Республикасига ўз ваколат доирасида ва ҳудудида экологик муносабатларни тартибга солиш имкониятини беришидадир. Ушбу ваколат Конституциянинг 100-моддаси орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу моддада маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари акс этган бўлиб, улар орасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш алоҳида банд сифатида қайд этилган. Маҳаллий ҳокимият органлари ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини тартибга солиш билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳам ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўпгина моддалари экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда билвосита хизмат қилади. Хусусан, Конституциямизнинг 78-моддаси Олий Мажлисга, 93-моддаси Президентга, 98-моддаси эса Вазирлар Маҳкамасига экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун, фармон, фармойиш, қарор, йўриқномалар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш ваколатини беради. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Конституцияга таянган ҳолда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасига оид 40 га яқин қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Республика Президентининг 60 га яқин қарор ва фармонлари эълон қилинди.

Данғара газетаси №50 (7262) 2014-йил 5-декабр жума